*Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!*

# Ишонч

37

1993 йил 11—17 сентябрь (130)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси



## «ПАХТАҚОН» МАҲСУЛОТЛАРИ

**Тўқима кўйлак, тўқима камзул қиш фаслида аёлларимизга жуда ярашади. Шунинг учун юртимиз корхоналарида бундай турфа ва сифатли маҳсулотлар етиштиришнинг янги-янги усулларини қўллашга киришилган. Сирдарё вилоятидаги «Пахтакон» кичик корхонаси тўқувчиси Ҳуснобод Каримова жемпер тўқиш касбини қисқа муддат ичида эгаллаб олганидан хурсанд.**

**Б. ТЎРАЕВ (ЎЗА) суратга олган.**

## Касаба уюшмаларида

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

МУСТАҚИЛ республиканинг келажагини—ёш авлодни тарбиялаб вояга етиштиришдек масъулиятли ва зарур вазифани амалга ошириш ҳаммамизнинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб ишимиздир. Албатта, барча касб эгаларининг адолатли ҳимоячиси, энг яқин ёрдамчиси бўлиб келган касаба уюшмалари ёш авлодни, уларнинг мураббийлари меҳнатини, ҳаётини муҳофаза қилишда янада ишчанлик намунасини кўрсатаверади. Ана шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов касаба уюшмалари вакиллари билан учрашувда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касаба уюшмалари ролини таъкидлаб ўтди.

Республика ва Тошкент шаҳри халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмиталарининг қўшма мажлисида худди шу фикр илгари сурилди. «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмасининг республикада ўтказилаётганислоҳотлар шароитида меҳнаткашларни ҳимоя қилишдаги фаолиятини такомиллаштириш» юзасидан қўмита раиси Эркин Файзуллаев нутқ сўзлади.

— Кейинги икки йил мобайнида,—дейди нотиқ,—таълим тизими бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим ҳақида»ги қонуни, таълимнинг асосий йўналишларини акс эттирувчи ислоҳот дастури, ўқитувчилар ва маъмурият ўртасида тузиладиган шартнома бўйича Низом, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш бўйича тест синовлари ҳақидаги ҳужжат ва ҳоказолардир. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида чет элга ёшларни юбориш, ўзимизда лицейлар очиш, ўқитувчилар учун санаторийлар қуриш, болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини кенгайтириш каби масалаларда касаба уюшмалари имкон қадар фаоллик қилаяпти. Талаба ва ўқувчиларнинг овқатланишлари учун 50 фоизли имтиёз яратилиши, ўқитувчиларнинг шаҳар транспортидан бепул фойдаланишлари ва бошқа қатор имтиёзлар ҳам ана шу фаоллик мевасидир. Касаба уюшмалари ўқитувчиларни ҳимоя қилишга доимо зийрак.

Нутқ муҳокамаси юзасидан сўзга чиққан Беруний шаҳар халқ таълими касаба уюшмалари қўмитаси раиси Рустам Турсунов қуйидаги масалаларни ўртага ташлади.

— Қорақалпоғистон республикасининг кўп туманларида экологик аҳволни ҳисобга олиб, иш ҳақига коэффицент қўшиб берилади. Бу яхши, лекин об-ҳавоси, шароити бир хил бўлган Беруний, Элликқалъа, Тўрткўл туманларида бундай коэффицент тўланмайди. Сабаби нимада эканлигини била олмаймиз.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Бибиойша Кетебаева, Сирдарё вилояти, Шароф Рашидов тумани халқ таълими касаба уюшмалари қўмитаси раиси Мирза Қайнаров ўқитувчиларга, айниқса, ёш муаллимларга ғамхўрликни кучайтириш кераклигини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, мажлисда Чирчиқ шаҳар индустриал техникуми директори Р. М. Гумаров, Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмитасининг ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Р. Г. Ибраҳимова ва Тошкент давлат технология институти касаба уюшмаси қўмитасининг раиси А. Т. Қуваевалар сўзга чиқишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Х. Б. Жамолов мажлис қатнашчиларининг қатор саволларига жавоб берди.

Мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг муовини М. М. Тўлаганова иштирок эди.

**«Ишонч» мухбири.**

## Хабарлар мағзи

■ РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтида янги маданий-маънавий маскан «Туркистон» халқ томошалари саройи очилди. Саройнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

■ ТОШКЕНТДА ўтказилган Халқаро банклар конференцияси очилишида мамлакатимиз Президенти нутқ сўзлади.

■ ЎЗБЕКИСТОН Қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг «Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуининг илмий таъминоти» муаммоларига бағишланган сессияси бўлиб ўтди.

■ МАМЛАКАТИМИЗ Президентининг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти котибиятининг мудири Р. В. Абдуқодировга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилди.

■ ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти «Дойче банк аг» банкининг бошқаруви директорлар кенгаши аъзоси Георг Крупп раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

■ ТОШКЕНТДА Ўзбекистонда Европа ҳамжамияти комиссиясининг техникавий ёрдамни мувофиқлаштириш бюроси очилди.

## ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан ҳуқуқий мавзуда ёзилган асарлар учун танлов эълон қилган эди. Яқинда танлов якунлари чиқарилди. Танлов ҳайъати қарорига биноан радио ва телевидение, оммавий ахборот воситалари, матбуот ходимларидан бир гуруҳи танлов ғолиби деб топилди. Биринчи ўрин Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясининг ахборот таҳририяти «Жиноят ва жазо» кўрсатуви ижодкорларига серияли кўрсатувлари учун. Иккинчи ўрин «Ишонч» газетасининг бош муҳаррири Т. М. Қозоқбоевга газетада босилган «Адолат юки оғир»... сарлавҳали мақоласи учун берилди. Учинчи ўрин ҳуқуқий мавзуларда ёзилган мақолалари учун бир гуруҳ радиожурналистлар ҳамда ҳуқуқшуносларга насиб этди.

Адлия вазирлигида мукофотларни топшириш маросими бўлди. Вазирликнинг ҳуқуқий сиёсат ва халқаро ҳуқуқий алоқаларни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. А. Раҳимов вазирлик қошида ташкил этилган матбуот марказининг фаолияти, унинг ҳуқуқий мавзуларни матбуот, радио-телевидение орқали ёритишдаги фаоллиги ва бу хусусда танлов ўтказишда фаол қатнашганлиги ҳақида батафсил ахборот берди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А. С. Мардиев республикамиз халқининг ҳуқуқий онгини ўстиришда матбуот, радио ва телевидениенинг роли ҳақида гапирди ва ғолибларга вазирликнинг фахрий ёрлиқларини, пул ва буюм мукофотларини топшириб уларни табриклади. Вазирнинг биринчи ўринбосари М. А. Абдусаломов матбуот маркази аъзоларига гувоҳномалар топширди.

**Т. АЛИМОВ.**

***РЕСПУБЛИКА** халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали фаолият кўрсатаётган ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳамон тадбиркорлик фазилатларини шакллантириш, илғор тажрибаларни кенг оммага ёйиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунинг учун ёшлар ҳаракатини бошқариш ҳамда уларни ҳар бир соҳанинг иқтисодий ривожланишига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш ва йигит-қизларда меҳнатга ижодий муносабатда бўлишни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси, Республика қишлоқ хўжалик вазирлиги, Ўзбекистон мева-сабзавот ва узумчилик давлат кооператив концерни ва Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси 1993 йилдан бошлаб ҳар йили Республика миқёсида ёшлар жамоалари ўртасида меҳнат мусобақасини ўтказиш тўғрисида қарор қилдилар.*

# ЁШЛАР ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТҚАЗИЛАЁТГАН МЕҲНАТ МУСОБАҚАСИ ШАРТЛАРИ

Ёшлар жамоалари ўртасида ўтказилаётган меҳнат мусобақаси Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Ўзбекистон Агросаноат комплекси ходимларининг касаба уюшмаси марказий қўмитаси ва Ўзбекистон мева-сабзавот ва узумчилик давлат кооператив концернлари томонидан ташкил этилади.

### 1. Меҳнат мусобақасининг мақсади

Республика халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали фаолият кўрсатаётган ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳалол, тадбиркорлик фазилатларини шакллантириш, илғор тажрибаларни кенг оммага ёйиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш учун ёшлар ҳаракатини бошқариш ҳамда ёшларни ҳар бир соҳанинг иқтисодий ривожланишига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш ва йигит-қизларда меҳнатга ижодий муносабатда бўлишини шакллантиришдан иборатдир.

Мусобақа жараёнида унумли ва сифатли ишлаш, илмий техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, жамоат ишларида фаол қатнашиш талаб қилинади.

### II. Меҳнат мусобақасига раҳбарлик ва уни якунлаш тартиби

Халқ хўжалигидаги Ёшлар жамоалари ўртасида ўтказилаётган Меҳнат мусобақасининг боришини назорат қилиш ва якунлаш, якуний маълумотларни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси Бюросига киритиш Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари бўлимига юклатилади.

Ёшлар жамоаларининг Меҳнат мусобақасига раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ташкилотларига юклатилади. Мусобақанинг якуний натижаларини тасдиқлаш Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси томонидан ҳамда унинг тавсиясига биноан Республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концернига ва Республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Меҳнат мусобақасининг якунига кўра режаларини бажаришда барча иқтисодий кўрсаткичлари юқори натижаларга эришган Ёшлар жамоалари ғолиб саналади. Шунингдек, мусобақа пешқадамларини аниқлашда уларнинг иш вазифаларидан ташқари жамоада ижтимоий турмуш ва меҳнатни ташкил этишдаги фаолиятлари ҳам ҳисобга олинади.

Бунда қуйидагилар кўзда тутилади.

Ойлик ва чорак режаларни ошириб бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш, илмий техника ва меҳнатга ижодий ёндошиш, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг илғор усулларини ишлаб чиқаришда қўлланилиши, иқтисодий кўрсаткичларни ўстириш, иқтисод ва тежамкорлик учун кураш, техника хавфсизлигига риоя қилиш, ёшларнинг касб савиясини ошириш, унумли меҳнат қилиш учун қулай маиший ва дам олиш шароитини яратиб бериш, жамоадаги Ёшлар ташкилоти, касаба уюшмаси ташкилотларининг фаолияти, Ёшларнинг ижодкорлик ва ихтирочилик ҳаракатидаги иштироки.

Пахтачилик, маккажўхоричилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик соҳаларида ташкил этилган Ёшлар бригадалари ўртасидаги меҳнат мусобақаси ҳар йилнинг охирида якунланади.

Жамоа, давлат хўжаликлари раҳбарияти, Бошланғич Ёшлар Иттифоқи Қўмитаси, касаба уюшмаси қўмиталари ҳамкорликда меҳнат мусобақасида иштирок этаётган Ёшлар жамоаларининг меҳнат йили якуни натижалари ҳақидаги маълумотни ушбу мусобақага раҳбарлик қилаётган барча ташкилотларнинг туман тармоқларига, улар эса ўз навбатида вилоят ва республика миқёсидаги раҳбар органларига етказишлари шарт.

Ёшлар меҳнат мусобақасининг раҳбар ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда якуний натижаларни кўриб чиқиб соҳалар бўйича алоҳида ғолибларни аниқлайдилар ва мукофотга тақдим этадилар.

### III. Меҳнат мусобақаси ғолибларини тақдирлаш

1. Пахтачилик соҳасида меҳнат мусобақаси ҳар йилнинг якунида I-II-III-ўринни эгаллаган Ёшлар жамоаларига:

I-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиғи ва энг кам ойлик маошининг ўн баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийсига уч дона бепул йўлланма;

II-ўрин учун раҳбар ташкилотларининг Фахрий Ёрлиқлари ва энг кам ойлик маошининг етти баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийсига 2 дона йўлланма;

III-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиқлари ва энг кам ойлик маошининг беш баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига бир дона йўлланма билан мукофотланадилар.

2. Маккажўхоричилик соҳасида меҳнат мусобақаси ҳар йилнинг якунида якунланиб I-II-III-ўринни эгаллаган Ёшлар жамоаларига:

I-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиғи ва энг кам ойлик маошининг ўн баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига уч дона бепул йўлланма;

II-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиқлари ва энг кам ойлик маошининг етти баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига бир дона йўлланма билан мукофотланадилар.

2. Макажўхоричилик соҳасида меҳнат мусобақаси ҳар йилнинг якунида якунланиб I-II-III-ўринни эгаллаган Ёшлар жамоаларига:

I-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиғи ва энг кам ойлик маошининг ўн баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига уч дона бепул йўлланма;

II-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиқлари ва энг кам ойлик маошининг етти баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига 2 дона йўлланма;

III-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиқлари ва энг кам ойлик маошининг беш баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига бир дона йўлланма билан мукофотланадилар.

3. Чорвачилик соҳасида меҳнат мусобақаси ҳар йилнинг якунида якунланиб I-II-III-ўринни эгаллаган Ёшлар жамоаларига:

I-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиғи ва энг кам ойлик маошининг ўн баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига уч дона бепул йўлланма;

II-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиқлари ва энг кам ойлик маошининг етти баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига 2 дона йўлланма;

III-ўрин учун раҳбар ташкилотларининг Фахрий Ёрлиқлари ва энг кам ойлик маошининг беш баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига I дона йўлланма билан мукофотланадилар.

4. Боғдорчилик соҳасида меҳнат мусобақаси ҳар йилнинг якунида якунланиб I-II-III-ўринни эгаллаган Ёшлар жамоаларига:

I-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиғи ва энг кам ойлик маошининг ўн баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига уч дона бепул йўлланма;

II-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиқлари ва энг кам ойлик маошининг етти баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига 2 дона йўлланма;

III-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиқлари ва энг кам ойлик маошининг беш баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига бир дона йўлланма билан мукофотланадилар.

5. Узумчилик соҳасида меҳнат мусобақаси ҳар йилнинг якунида якунланиб I-II-III-ўринни эгаллаган Ёшлар жамоаларига:

I-ўрин учун раҳбар ташкилотларнинг Фахрий Ёрлиғи ва энг кам ойлик маошининг ўн баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига уч дона бепул йўлланма;

II-ўрин учун раҳбар ташкилотларининг Фахрий Ёрлиқлари ва энг кам ойлик маошининг етти баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига 2 дона йўлланма;

III-ўрин учун раҳбар ташкилотларининг Фахрий Ёрлиқлари ва энг кам ойлик маошининг беш баравар миқдорида пул мукофоти ҳамда республика миқёсидаги дам олиш санаторийларига I дона йўлланма билан мукофотланадилар.

**● Эслатма:** **Ёшлар жамоаларидаги аъзоларининг 30 ёшгача бўлганлари 60 фоиздан кам бўлмаслиги, Бошланғич Ёшлар Иттифоқи қўмитаси, бошланғич касаба уюшмаси қўмиталарининг фаолиятлари яхши йўлга қўйилган бўлиши зарур.**

**Ёшлар жамоаларини тузиш учун ёшлар жамоалари аъзоларининг рўйхати, жамоа қарори, Бошланғич Ёшлар қарори ёки раҳбарининг буйруғи билан ҳамда туман**

**Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг котиблар кенгашида тасдиқланиши зарур, кейин вилоят ва республика раҳбар ташкилотларига юборилиши шарт.**

# ИШЛАР ИЗЧИЛ БОРМОҚДА

Ғаллаорол туманидаги Амир Темур ширкат хўжалигига Акром Қораев раҳбарлик қилмоқда. Ундаги 16 та қишлоқда 2 минг 673 хонадон истиқомат қилади. Аҳолиси 15 минг 900 кишини ташкил этади. Президентимиз И. А. Каримовнинг қишлоқларни газ ва тоза ичимлик сув билан таъминлаш тўғрисидаги фармонлари бу хўжалик ҳудудида бекаму кўст бажарилмоқда. Ҳозирга қадар 6 та қишлоқ хонадонларида «Зангори олов» порлаб турганлиги фикримизнинг далилидир. Шунингдек, хўжаликнинг Маданият, Қорағўйли, Обуз, Қашқабулоқ, Тутли қишлоқлари тезкорлик билан газлаштирилаяпти. Бахмал, Қоранғўл қишлоқларига газ олиб бориш режаси белгиланмоқда. Ҳозирча дастлабки лойиҳалаш ва барча ишлар учун 400 минг сўм ажратилди. Бу қишлоқларга 1994 йилда Қўйтош газ трассасидан газ ўтказиш режалаштирилмоқда.

**— Акром Қораевич, Президентимизнинг қишлоқларни газлаштириш ҳақидаги фармонлари хўжалигингизда дурустгина бажарилаётган экан. Иш даврида сизларда материал танқислиги сезилдими? Агар сезилса у қандай қилиб бартараф этилмоқда?**

— Юртбошимиз қишлоқларни тўлиқ газлаштириш ва ичимлик суви билан таъминлаш вазифасини қўйганига икки йил бўлди. Биз ана шу вазифани бажаришга изчил киришганмиз. Бозор иқтисоди шароитида газ ва сув ўтказиш асбоб-ускуналари нархи қимматлашиб бормоқда. Бунинг устига уларни Россиядан олиб келиш жуда машаққат. Ана шу қийинчиликларни енгиш, газ ва сув қувурлари етишмаслигининг олдини олиш чораларини барвақтроқ кўрдик. 1992 йилда Бекобод металлургия завдига метал парчалари топшириб, 20 тонна газ қувурлари олиб келдик. Арзон нархда яна 20 тонна трубалар олдик. Яқинда тоннаси 45 минг сўмдан жами 30 тонна темир қувур сотиб олдик. Жиззах савдо корхоналаридан 20 тонна темир қувурлар олиш учун шартнома имзоладик. Буюртмаларни бажариш учун «Жиззах газ» бошқармаси билан битим имзоладик ва газлаштириш билан шуғулланадиган ташкилотга 400 минг сўм ўтказдик. Эндиликда ана шу битимнинг ижроси учун курашмоқдамиз. Булар ҳаммаси қишлоқларни тезликда газлаштиришни тугаллаш имконини беради.

Ширкат хўжалигимиз ҳудудида II та мактаб бор. Улардан 5 таси газлаштирилган. Тутли, Қорағўйли, Қашқабулоқ, Маданият қишлоқларидаги 75, 23, 28, 53-мактабларни газлаштириш учун керакли бўлган ҳамма ҳужжатлар тахт қилиб қўйилди. Ушбу билим масканларига йил охиригача табиий газ олиб борилади.

Хўжалигимизнинг 5 та қишлоқ аҳолиси қувурлар орқали йўналтирилган сувдан баҳраманд бўлмоқда. Қишлоқларга 22 километр узунликда сув қувурлари ётқизилди. Заргар қишлоғига уч километрлик қувур ётқизиш бошланди. Йил охиригача Сарбозор, Чувуллоқ, Бешбола қишлоқлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун 9 километрлик қувур ётқизилди. Президентимизнинг аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисидаги фармонига кўра марказлашган бюджет ҳисобидан 34 миллион 200 минг сўм маблағ ажратилган. Сув ўтказишга оид юмушларни Жиззах вилоят «Оби ҳаёт» бирлашмаси жамоаси бажармоқда.

— Аҳоли сони ёшлар ҳисобига тез ўсмоқда. Улар учун мактаб, медицина, коммунал уйлари қуришимиз керак. Сарбозор ва Қангли қишлоғи туташган жойда қурилаётган 960 ўринли мактаб биносининг биринчи блокини ишга тушириш учун вилоят мева-сабзавот бирлашмаси 2 миллион сўм пул ажратди. Энди қурилиш тезлашса керак. 27-мактабда синф хоналари етишмаслиги туфайли 7 та қўшимча хона қуриш бошланди. Қашқабулоқ қишлоғида ҳаммом, Кўкгумбаз қишлоғида медицина пункти, лалмикорликда автогараж қурилаяпти. Бу биноларга маҳаллий қурилиш материаллари ишлатилади. 2 километр масофадаги ички йўллар таъмирланиб асфальт ётқизилди.

**— Нарх-навонинг ошиб бориши туфайли иқтисоди ночор оилалар ёрдамга муҳтож бўлмоқда. Уларга қандай ёрдам кўрсатилаяпти?**

— Шу кунга қадар уруш фахрийларига 110 минг сўм ёрдам кўрсатилди. Аҳолига ва ёрдамга муҳтож оилаларга 2 минг тонна ҳашак, 400 тонна ғалла, 30 куб терак ёғочлар, 30 тонна цемент, 800 дона шифер, шунингдек, совун, гуруч, ёғ тарқатилди. Бундай хайрли ишларни баҳоли қудрат яна давом эттираверамиз.

**Алибой ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ҚАТТА МАҚСАД ЙЎЛИДА

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг Косон тумани ва шаҳрида ташкил этилаётган кичик корхоналар, шахсий ёрдамчи хўжаликлар аҳолини иш билан таъминлаш, кишиларнинг турли хил маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида тўлароқ қондириш борасида яхши самаралар бераётганлиги туфайли бу тармоқларни янада кўпайтиришга кенг йўл очиб берилмоқда. Яқинда тумандаги «Андабозор» ижара хўжалиги ҳомийлигида ташкил этилган «Учқун» кўп соҳали кичик корхонаси ана шундайлардан биридир. Тадбиркор Олламурод Мардонов раҳбарлик қилаётган кичик корхона жамоаси дастлабки кунларданоқ катта мақсад йўлида ҳамжиҳатлик билан иш бошлади. Ўз фаолиятларини енгил блокли ғиштлар, пойдевор учун бетон блоклар, йўлкаларга ётқизиладиган бетон плиталар ишлаб чиқариш билан бошлашган ишбилармонлар тез орада буюртма бўйича шартнома асосида аҳолига шахсий уй-жойлар, саунали ҳаммомлар қуриб беришга киришиб, нутрачилик билан ҳам шуғуллана бошладилар.

— Янги ташкил этилган кичик корхонанинг муваффиқиятли фаолият кўрсатиши, аро йўлда қолиб кетмасдан, кўзланган мақсадга эришиши учун энг аввало унинг бошлиғи ишнинг кўзини биладиган, етти ўлчаб бир кесадиган тадбиркор, уддабурон бўлмоғи, қолаверса, ҳомийси ишончли, шу соҳага куюнчак, эътиборли бўлмоғи лозим, — дейди Олламурод Мардонов. — Бизга ҳомийлик қилаётган ижара хўжалиги раҳбарияти худди шу ақидаларни тўғри тушуниб етганлардан. Шунинг учун ҳам улар тезкорлик билан Низом жамғармасини ташкил қилиб беришиб, фаолиятимизни тезроқ бошлашимизга катта имконият яратишди.

Дарҳақиқат, бу имкониятлардан оқилона фойдаланишган ишбилармонлар катта ишларни бошлаб юборишди. Ҳозирги кунда улар «Андабозор» ижара хўжалигида 3 миллион сўмлик қийматга эга бўлган ўн саккиз ўринли саунали ҳаммом қурилишини тезкорлик билан тикламоқдалар.

Олламурод Мардоновнинг таъкидлашича, корхонага аъзо бўлиб киришган Эшмамат Ашуров, Арслон Нозимов, Зиёдулла Мардонов каби ишбилармонлар, бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз, қабилида иш қилувчилар сирасига кирарканлар. Уларнинг ҳунармандликлари, ҳамма соҳалардан хабардорликлари боис, ҳозирда парваришланаётган ўнта нутрани йил охиригача камида икки юзтага етказишиб, яна одатда, норкалар ҳам сотиб олиб урчитиш, қуёнчиликни йўлга қўйиш режалаштирилган. Режалаштирилган ҳамма тадбирларни тўла амалга оширишлари учун кичик корхона жамоасида ҳамма имконият, зарур шарт-шароитлар етарли.

**Нормамат ТОҒА.**





**Хушбичим тикилган кийим инсонга шакл-шамойил беради. Самарқанд вилояти, Пахтачи туманида туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил топган корхонада тайёрланаётган кийим-кечакларни кўриб ҳавасингиз келади.**

**— Тикувчи тайёрлаган чарм либослар сифати, бежиримлиги билан манман деган хорижий мамлакатларнинг маҳсулотидан қолишмайди, — дейди корхона директори Тоҳир Тўхтапўлатов, — бизнинг маҳсулотларимиз ҳам энди дунёга машҳур бўлади.**

**Суратда: тикувчи Танзила Турсунова ва корхонади тайёрланаётган меҳсулотлар.**

**Т. НОРҚУЛОВ суратга олган.**

# ТАДБИРКОРЛИК ҲАҚИҚИЙ БЎЛСА...

НАРХ-НАВОДА барқарорлик юзага келишига, халқимиз арзончиликда хотиржам ва фаровон яшашига умид қилаяпмиз.

Аммо арзончиликни фақат умид қилиб яшаш ҳам яхши эмас. Чунки, умидвор инсон ўша кунларни яқинлаштириш учун курашиши керак. Шунингдек, шу мураккаб кунлардаги ҳаётни енгиллаштириш учун ақл-фаросат, тадбиркорлик билан иш кўриш мақсадга мувофиқдир.

Тадбиркорлик тушунчасини айрим кишилар тўғри маънода тушунмай қолдилар. Бунинг боиси бор, албатта. Баъзи бировлар тадбиркорлик ниқоби остида кимнидир алдашни, ҳалол луқмасига кўз олайтиришни ўзларига касб қилиб олмоқдалар. Биз эса ҳақиқий тадбиркорлик эвазига меҳнат ютуқларимизни кўпайтириб, ишчи-хизматчиларимизнинг моддий таъминотини тобора яхшилашга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳозир бирлашмамизда 200 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Ҳамкорликда ишлайдиган ташкилотлар ва буюртмачилар билан алоқани намунали йўлга қўйганлигимиз туфайли ишлаб чиқариш режалари ҳамиша ортиғи билан бажариб келинаётир. Бу, ўз навбатида уларнинг моддий манфаатдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўтган йили жамоамиз аъзоларига кўзда тутилган 17 миллион 317 минг ўрнига қарийб 20 миллион сўм иш ҳақи тарқатилди. Бунга қўшимча ҳар бир кварталда ўртача 972 минг сўмдан мукофот пули берилди. Бултур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режалари ортиғи билан уддаланганлиги эвазига 103 минг сўм мукофот олдик. Йил якунида ишчи-хизматчиларимизга 400 минг сўм қўшимча ҳақ берилди.

Бозорда айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари анча қиммат. Биз ишчи-хизматчиларимиз манфаатларини кўзлаган ҳолда ёрдамчи хўжаликда 140 гектар майдонга буғдой экиб, ундан 150 тоннага яқин ҳосил етиштирдик. Унинг ҳар бир килограммини 6 сўмдан баҳолаб, ҳар бир ишчи-хизматчига 100 килограммдан буғдой сотдик.

Маъмурият ва касаба уюшмаси ҳамкорликда жорий йилда меҳнатдаги муваффақиятларни мустаҳкамлаш билан бир қаторда ёрдамчи хўжаликда чорвачиликни йўлга қўйишни, жамоамиз аъзоларининг дастурхони учун кўплаб сабзавот ва картошка етиштиришни ҳам режалаштириб турибмиз.

**А. ИСЛОМОВ,**
**Навоий вилояти, Хатирчи тумани ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси директори.**

# ҲАСАНБОЙДА БОЙЛИК КЎП

БИР вақтлар Тошкент бозорларида сотиладиган энг сара узумлар Ҳасанбой қишлоғидан келтирилар эди. Ҳасанбойнинг узумчиликдаги таърифи бутун элга машҳур эди. Кейинчалик бу қишлоқ полизи, мева-ю сабзавоти билан ҳам эл оғзига тушди. Узоқ йиллар Ильич номи билан аталиб келинган Тошкент туманидаги бу жамоа хўжалиги яқинда асли ўз номи Ҳасанбой деб юритила бошланди. Бу ерда деҳқончилигу соҳибкорлик ижара усулида олиб борилмоқда. Ўтган йили бир гектар ер учун деҳқонлар 6 минг сўмдан тўлаган бўлсалар, бу йил 50 минг сўм тўлаб сотиб олдилар. 300 гектар майдонда ҳозирда ижара усулида маҳсулот етиштирилмоқда.

— Хўжаликда мингдан ортиқ киши ишлайди, — дейди биз билан суҳбатда колхоз касаба уюшмаси қўмитаси раиси Адҳамхўжа Абралов.— Ерни сотиб олган билан унда мўлжалдаги ҳосилни етиштиришнинг ўзи бўлмаяпти. Техника воситаларидан фойдаланиш, ўғит сотиб олиш анча мушкул бўлмоқда. Уларнинг нархи ҳам осмонда. Деҳқонларимиз ўз тасарруфларидаги майдонларда сабзавотдан мўл ҳосил етиштириш учун эрта кўкламдан бошлаб баракали меҳнат қилдилар. Мана ҳозир ёз неъматлари ғарқ пишган пайт. Уни шаҳарликларга пешма-пеш етказиб бераяпмиз. Тўғри, бозорларда сабзавотнинг нархи баланд, албатта. Лекин мўл-кўл етиштирилса у арзонлашиши турган гап. Бир неча юз кишига Президентимиз Фармонлари асосида томорқалар берганмиз. Томорқаларда ҳам экинлар етиштирилди. Бу хўжалигимиздаги оилаларнинг қўшимча даромад олишларини таъминлаяпти.

Касаба уюшма қўмитамиз деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда касаба уюшмалари юқори ташкилотларининг қарорларини бажариш учун муттасил иш олиб бораяпти. Жумладан, ҳозиргача 17 кишига сиҳатгоҳларга бориш учун йўлланмалар бердик. 13 кишини 71 минг сўм миқдорда фарзанд кўрганликлари учун суюнчи пули билан таъминладик. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида касаллик варақаларига 40 минг сўм миқдорида ҳақ тўланди. Қўмитамизнинг тўққиз аъзоси хўжаликдаги ҳар бир меҳнатчи оиласининг турмуш тарзини изчиллик билан ўрганиб, уни яхшилаш борасида қандай тадбирлар кўриш юзасидан қўмитага амалий таклифларини бериб турадилар. Деҳқончилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун ижарачиларга лозим бўлган барча кўмакни бераяпмиз. Бу уларнинг мўлжалдаги ҳосилни етиштиришларини таъминлаяпти.



Мўл-кўл ҳосил бу бойлик демакдир. Чиндан ҳам бугун ҳасанбойликларнинг бойлиги мўл деса бўлади.

**Даврон АҲМАД.**

# АЗИЗ ТУТ ОДАМИЙЛИКНИ СЕН

— Журналист бўлиш осонми?— деб сўрашади қизлар Мукаррама Ғанижон қизидан.

— Йўқ, хийла мураккаб,—дейди у жиддий оҳангда ва давом этади:—Ҳаваснинг ўзи камлик қиларкан. Журналист бўлиш учун алоҳида истеъдод билан туғилмоқ зарур. Ва бу касбнинг этагидан тутдингми, унинг машаққатларига, уйқусиз тунлари-ю, умринг йўлда ўтишига бардош берсангтина умидинг ушалади...

Асакалик журналист Мукаррама Ғанижон қизи ёшлигидан зийрак, таъсирчан эди. Қўлидан китоб тушмас, атрофидаги ҳодисаларни ўйчан ва синчков кузатар, суҳбатдошини саволларга кўмиб ташларди. Дадаси бир талай газет-журналларга обуна бўлар, Мукаррама эса дадаси ишдан қайтгунча уларни ўқиб чиқиб, юрагида шу соҳага қизиқиш уйғонаётганини, тўлиб-тошиб ёзгиси келаётганини ҳис этарди. Ўнинчи синфни битирганида катта дафтар шеър билан тўлганди.

Мукаррама аъло баҳолар билан мактабни тугатгач, мусаҳҳиҳликка ишга олишди. Туман газетасидаги қайноқ ҳаёт таъсирида у қўлига қалам олди. Бир йил ичида анчагина хабар ва лавҳалар ёзди, кўзи пишди ва кейинги йили Андижондан Тошкентга келиб, ўз билими, ҳаракати билан Давлат университетига ўқишга кирди.

Офтобхон ая билан Ғанижон отанинг дуолари ижобат бўлди. Саккиз нафар фарзандларининг ҳаммаси меҳнаткаш, ҳалол кишилар бўлиб етишдилар. Энг катта қизлари Мукаррама мана 15 йилдирки, «Асака ҳаёти» газетида бўлим мудири. У завод-фабрикаларга боради. Қишлоқларга чиқиб, меҳнаткашларнинг ҳаётини ўз кўзи билан кўради, уларнинг дардини, муаммосини эринмай ўрганади, ҳал қилишга ёрдам беради.

— Аёллар келиб, ташвишини айтиб йиғласа—тинчимни йўқотаман,—дейди у,—уларнинг ишига бош қўшиб, дардини енгиллатишга эришмагунча оромим йўқ.

— Мукаррамaнинг аралашуви, ташкилотчилиги билан қанча-дан-қанча аёлларнинг муаммоли ишлари ҳал бўлган...—дейди «Асака ҳаёти» газети бош муҳаррири Муҳаммаджон Қурбонов,—Мукаррамани сўраб-истаб ҳар куни қанчадан-қанча аёллар келишади. Раҳматлар айтиб, дуо қилишади. Мукаррамахон ғайратли, ташаббускор журналист. Таҳририятнинг асосий устунларидан бири. Ҳаммага меҳрибон, иболи, ҳаёли аёл...

«Ён қўшни—жон қўшни», «Дардингни олай, пахтакор аёл», «Мол-дунёга ўч бўлманг», «Оила—ҳаёт дебочаси», «Тушларимга киргил табиат», «Кўча, боғлар обод, тозами», «Аҳвол қалай, ишчи ўртоқ?», «Раҳбар ва жамоа», «Мустақилликни асраб қолайлик», «Инсоф ва диёнат», «Эрини менсимаган аёл»... «Асака ҳаёти» газетасида чоп этилган яна ўнлаб мана шундай сарлавҳасиданоқ халқчиллиги, бугуннинг сўзи эканлиги кўриниб турган лавҳалару мулоқотларнинг ҳаммасини Мукаррама Ғанижон қизи ёзган. Буларни ўқиб, унинг тиниб-тинчимаслигига, куюнчак қалб эгаси-ю, ҳаяжони кучли, қалами ўткир журналист эканлигига тан бердим.

Газета чиқаришдек сермашаққат соҳада узоқ йиллар ишлай олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. У эса ҳар куни ёзади, ҳар куни одамлар билан учрашади. Унинг ортиқча орзу ҳаваслару меҳмондорчиликларга вақти-ҳуши йўқ. Бутун вужуди, қалби билан ўз ишига машғул.

Бахтига турмуш ўртоғи Мўминжон Мукаррамaнинг фидоийлигини, кўп ўқиб-ўрганишдек, тунлари қалам тебратишдек масъулиятли ишини яхши тушунади. Руҳан мадад беради. Гоҳо далаларга, корхоналарга чиқиб, кечроқ қайтган пайтларини кечира олади. Оиладаги бундай ҳамрозлик журналист учун сув билан ҳаво.



Мукаррама Ғанижон қизи 1990 йили Ўзбекистон журналистлар уюшмаси мукофотининг совриндори бўлган.

Мукаррама Асакадан афғонга бориб, хизмат қилиб келган 450 нафар йигитнинг аҳволини ўрганди. Асака тупроғидан ой бориб омон қайтмаган етти ўғлоннинг қабрини зиёрат қилди ва кейин улар ҳақида қасидалар ёзди. Уларнинг муаммоларини озми-кўпми ҳал қилишга, баъзиларининг янги уйлик бўлишига ҳисса қўшди...

Хисрав Деҳлавий айтган экан:

Азиз тут одамлик гавҳарини сен,
Ундан ҳам азиз сўз жавҳарини сен...

Сўзни одамлик гавҳарини улуғлашга бахшида этаётган синглим, ҳамкасбим Мукаррама, йўлинг ҳамиша ойдин бўлсину қаламинг ўтда тоблансин.

**Санъат МАҲМУДОВА.**

# ГУЛЛАР КУНГАЙДА ОЧИЛАДИ

ОЛИС вилоятимиздаги тоғли қишлоққа кўпчилик бўлиб сайлга бордик.

Тоғ гулларининг ҳидларини уфурган ҳаво, тошларнинг ҳам бошини силаб оқаётган сувлар...

Сайлга кўп одам тўпланган, даврада эса кетма-кет Машрабдан куйлаётган, куйлаганда ҳам саҳна кўрган санъаткордай куйлаётган ниҳоятда ёқимли бир жувон кўзимга иссиқ кўринди.

...Навбат мушоирага келганда у шеър ҳам ўқиди: дардли, самимий, кайфиятли шеър...

— Раънонинг ўзининг шеъри,— дея изоҳ берди ёнимдаги мезбонлардан бири. Аёлга қизиқишим ортди. Асли шеър, ашулага ошиқ аёлларга алоҳида эҳтиромим бор.

Ниҳоят Раъно билан рўпарама-рўпара ўтириб қолдик.

— Сиз кўзимга таниш кўринаяпсиз... дедим.

— Ниҳоят танидингиз,— деди Раъно синиқроқ овозда, сўнг: Сизни кўриб чанг босган дафтаримдаги ёзувлар ғимирлай бошлади. Бир пайтлар ўша дафтаримни кўтариб сизнинг олдингизга борганман...

...Раънони эсладим... Иссиқ, ёз эди ўшанда, туғруқ таътилига кетишимга саноқли кунлар қолган... Икки оғиз гап малол келади...

— Йўқ, Сиздан хафа эмасман, бир гапиришгим келаяпти, холос,— Раънонинг овози ниҳоятда самимий эди.

Ўша куни шерикларимдан рухсат олиб, тоғли қишлоқда кутубхоначи бўлиб ишлаётган Раъно билан уйига кетдим.

## РАЪНОНИНГ ДАФТАРИ

МЕН театр ва рассомлик институтини имтиёзли диплом билан тугатдим, пойтахтда қолишни истамадим. Вилоятимга қушдай учиб келдим, гўё мени театр бағрини очиб кутиб турганга ўхшарди. Институтда устозларим «Санъаткорнинг ҳаёт йўли театр гардиробидан бошланади», дейишгани учун мени оддий кийим илувчи қилиб ишга олишганига ажабланмадим. Кунлар ўтди, менинг юрагим тўла орзу эди, тунлар тушларимда юртдошларимга руҳий мадад берардим, қўшиқлар айтардим, монологлар ўқирдим. Аммо кундузлар ҳеч ким мендан аҳвол сўрамасди . «Салом, «Хайр». Охири бир санъаткор опанинг маслаҳати билан режиссёримизнинг ҳузурига кирдим. Режиссёр мени бозорда мол танлаётган харидор нигоҳи билан кузатиб чиқди, ўнғайсизлансам ҳам, арзимни айтдим.

— Ҳа, сизга рол берса бўлади,— деди у маъноли илжайиб: олдин ўзим бир синаб кўрай... Мени синов учун таклиф қилди, айтилган жойи, соатига келдим. Ўзи юрагим кун бўйи бир ёмонликдан дарак бериб турарди: бироқ оллоҳнинг бераётган ишоралари устидан босиб, режиссёрнинг олдига келдим:

...Аммо, тақдир олдида бир яхшилигим бор эканми, режиссёр мени «синаш»га улгурмади: мен унинг юзига «туф»лаб кетдим... Шу-шу театрга қадам босмадим.

Хонанишин бўлиб қолдим, ота-онам ҳайрон... Аммо мен бу тақдир учун яратилмаган эдим: кўнглимда нақшлар кўп эди.

Эски дафтаримни титиб, шеърий машқларимни топдим, ўқисам: туппа-тузук. Ихлос билан қайта кўчириб... йўлга чиқдим. Тақдир бу гал сизни рўпара қилди, шеърларим руҳсиз кўриндими, қаерда ишлашим, қаерда ўқиганимни суриштирдингиз. Агар сиздан сал илиқлик кўрсам, елкангизга бошимни қўйиб юм-юм йиғлаган бўлардим, ахир шеърларингизни қандай яхши кўрардим, нечтасини ёд билардим.

...Афсус, Сиз:

— Раънохон, ўзингизнинг дарчангиздан ташқарига ҳам қаранг: ҳаёт фақат Сизнинг ўзингиз эмас,— дедингиз.

Мен: «Мен дарчага ўз нигоҳим билан қарайман, ўз ҳасратли нигоҳим билан!» демоқчи бўлдим-у, дегим келмади.

Сиздан ҳам ихлосим қайтди...

...Ҳаётда жуда узоқ яшаган одамдай бўлиб қолдим: баҳор, қиш, куз, ёзлар зерикарли эди...

...Сиз ихлоси, эътиқоди қайтган, синган одамнинг ҳолатини, балки, тасаввур қила олмассиз?!

Балки, Сизга мен инжиқ табиат бир аёл бўлиб туюлармиканман?

Йўқ,бундай эмас! Менда бир истеъдод ўлди! Ҳолбуки мен ҳам гулдай очилишим мумкин эди... Ҳозирги имконимдан минг карра баландроқ имкон билан хизмат қилардим. Ватанга, агар Сизнинг шеърий лаҳжангизда айтсам!

...Йўқ, айтдим-ку, тақдирга бир яхшилигим бор экан, деб, бутунлай сўлитиб ташлайди: бир кенг қалбли инсонга рўпара қилди: фарзандлар берди... яшаяпман...

## ДАФТАРДАН СЎНГГИ ЁЗУВ

...РАЪНОНИНГ гаплари тиканли бўлса-да, ҳақиқат эди: биз кўпинча ўзимиздаги ғуссалар илдизини аллақандай тузум, сиёсатлардан ахтарамиз. Аслида, кўпинча бу илдиз ўз қалбимизда бўлади.

...Раънонинг кайфияти тез ўзгарди. У гина-гудратни дарров орқага ташлади-да шеър-қўшиқни севадиган кўнгли тоғ аёлга айланди...

У ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракати билан ҳаммаси ўтмиш, шунчаки айтдим... демоқчи эканлигини сездирарди, менинг кўнглимни олишга уринарди...

Мен ҳам Раънога узр-маъзурлар демадим, фақат унинг овози, синиқ овози ичимда қолди: «Ахир, гуллар кунгайда очилади-ку, менинг кунгайим мана шу тоғ қишлоғида экан-да...»

**ҚУТЛИБЕКА.**

# УЙ БЕКАЛАРИГА МАСЛАҲАТЛАР

● *АРТГАН пиёзингиз ортиб қолса, унинг кесилган жойига озгина маргарин суртиб қўйсангиз пиёздаги фойдали моддалар йўқолмай тураверади.*

● *ПЎСТИ билан қайнатилган картошкани пишиши билан устидан совуқ сув қуйсангиз уни арчиш осон бўлади.*

● *ЯНГИ узилган бодрингни узоқ вақтгача сақлаш учун унинг дум қисмини пастга қилиб тўртдан уч қисмигача сувга солиб қўйинг. Сувни эса ҳар куни янгилаб туриш керак.*

● *ҚИЗИЛ лавлагини артганда дум қисмидан озгина қолдирганингиз маъқул. Шундай қилсангиз ранги очармайди.*

● *ҚИЗИТИЛГАН ёғ ҳар томонга сачрамаслиги учун қозонга бир чимдим туз солиб қўйинг.*

● *ЁҒЛАРНИ мис идишда сақламанг. Мис идиш ёғнинг сифатини бузади.*

● *ҚИЗИБ турган сирли идишга ҳеч қачон совуқ сув қуя кўрманг. Сири кўчиб кетади.*

● *ПУХИ эскириб қолган ёки майинлигини йўқотган жунли кийимни илгариги кўринишига келтирмоқчи бўлсангиз, буюмни бир неча соат олдин ловия ивитиб қўйилган сувда ювинг. Сўнгра илиқ сувда чайиб, сочиқ устига ёйитиб қуритинг.*

● *ШАМСИЯ (зонтик) спиртга ботириб олинган юмшоқ чўтка билан тозаланса, ранги яхши очилади. Ипакли шамсияларни очиқ ҳолда қуритмаслик керак.*

**Саволларга Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Мастура Хожиматова ва II Тошкент Давлат тиббиёт институти шифокори Гулираъно МАҲМУДОВАлар жавоб беришади.**

*Мен 1989 йилдан буён 2-гуруҳ ногирониман. 10 йиллик меҳнат стажим бор. Президентимизнинг фармонларига биноан 1 апрелдан бошлаб қанча нафақа тўланиши керак эди? 3 та фарзандим бор, уларга қанча берилади?*

*Ш. ЖУМАНИЁЗОВ,*
*Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани.*

2-гуруҳ ногиронларнинг энг кам миқдор пенсияси 1993 йил 1 апрелдан бошлаб 3250 сўмга, 1 июндан 8125 сўмга ва 1 июлдан эса 12185 сўмга кўтарилди. Ишламайдиган I ва II гуруҳ ногиронларининг қарамоғидаги вояга етмаган ҳар бир фарзанд учун энг кам миқдор пенсиянинг 50 фоизи миқдорида қўшимча нафақа тўланади. Бу миқдор шу йил 1 июлдан 6094 сўмни ташкил қилди. Демак, Сиз ишламаётган бўлсангиз пенсиянгизга 3 та фарзандингиз учун ойига 6094 сўмдан қўшимча нафақа оласиз.

---

*46 ёшдаман. 2-гуруҳ ногирониман. 21 йиллик иш стажим бор. 2500 сўм миқдорида пенсия оламан. Иш стажим учун қўшимча қўшиладими?*

*А. ЭШОНҚУЛОВ,*
*Самарқанд вилояти, Гўзалкент тумани.*

Президентимизнинг фармонларига биноан 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб меҳнат пенсияларининг ва 2-гуруҳ ногиронларининг энг кам миқдор пенсияси 1250 сўм қилиб белгиланиб барча пенсиялар уларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари ва иш стажларига боғлиқ ҳолда қайта ҳисоби оширилди. Бунда ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи олиниб, талаб қилинган иш стажидан эркакларга 25 йил ортиқча ишланган ҳар бир тўлиқ йил учун 1 фоиз миқдорида қўшимча берилди. Сиз 21 йил иш стажига эга экансиз, шунинг учун пенсиянгизга қўшимча берилмайди.

---

*18 ёшга тўлмаган болаларим учун қўшимча бериладими?*

*З. НОСИРОВА,*
*Навоий вилояти, Хатирчи тумани.*

Амалдаги қонунга биноан бир вақтнинг ўзида неча тур пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишдан қатъий назар хоҳишларига қараб битта тур пенсия тайинланади. 2 та фарзандингизга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган экан. Шунинг учун уларга қўшимча нафақа берилмайди. Мактубингизда иш стажингиз бор-йўқлиги ва нечанчи гуруҳ ногиронлигингиз тўғрисида ёзмабсиз. Меҳнат стажига эга бўлмаган, ижтимоий пенсия олувчилар пенсиясига эса қўшимча қўшилмайди.

---

*48 ёшдаман. 8 та фарзандим бор, иш стажим 27 йил. Қарилик пенсиясига чиқишим мумкинми?*

*М. БОЙЖИГИТОВА,*
*Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани.*

5 ва ундан ортиқ бола туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган аёллар 50 ёшга етганларида камида 15 йил ёки болалари 3 ёшга тўлгунга қадар ишламаган даврлари умумий стажга қўшиб ҳисобланади. (аммо 6 йил доирасида).

Сизга 50 ёшга тўлган кунингиздан кексалик пенсияси тайинланади.

---

*Кўп йилдан бери кўзим оғрийди. Кўзойнак тақаман. Шунинг учун нафақа олишга ҳақлиманми?*

*А. ҚИЛИЧЕВА,*
*Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани.*

Кўз касалликлари шифокори назоратидан ўтиб, тақадиган ойнагингизнинг мусбат ёки манфийлигига қараб туриб, сизга нафақа тайинлаш ҳақида сўз юритиш мумкин. Кўзингизнинг қай даражада зарарланганлигини аниқ ташҳис билан бирга ёзиб юборишингиз зарур эди.

---

*1. Юзда доғ пайдо бўлганда қандай чоралар кўриш керак?*
*2. Тишлар қийшиқ бўлиб ўсган бўлса, қандай ва қаерда даволанади?*
*3. Томоғда балғам тўпланиб қолса, ундан қандай қутилиш мумкин?*

*Тўрабой АЛЛАБЕРГАНОВ,*
*Хоразм вилояти, Гурлан тумани.*

Юз терисига доғ нафақат терининг махсус хасталиги туфайли, балки турли ички касалликлар—сариқ, сурункали колит, сурункали энтерит, ички секреция безлари фаолиятининг бузилишидан пайдо бўлади. Жумладан, жигарнинг сурункали хасталиги пигментлар алмашинуви, оқсил углевод, ёғлар алмашинуви бузилса юз терисида тўқ жигарранг доғлар ёки сариқлик пайдо бўлади. Шу сабабли юздаги доғнинг пайдо бўлиш сабабини аниқламай туриб, турли мазлар, оқартирувчи моддалар суриб кетказиб бўлмайди. Шунинг учун ички касалликлар шифокори—терапевт ва эндокринолог ва тери-таносил касалликлари врачининг маслаҳатидан сўнг даволанишга киришишингиз мақсадга мувофиқдир.

2. Тишлар муваффақият билан 1—ТошДавТИнинг стомотология кафедраси, клиника ва поликлиникаларида даволанмоқда. Манзили: Ҳамза кўчаси, уй № 103.

3. Аввало мбор унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш зарур, аксари балғам бронх ва ўпка яллиғланиши туфайли йиғилиб туради. Дорихоналарда термапсис суюқлиги бор. Уни кунда 5—6 маҳал ичиш мумкин, лекин ҳар қандай дорини истеъмол қилишдан аввал доимо врач маслаҳатини олишни унутманг.

---

*10 фарзандим бор. Уларга 80 сўм ва 120 сўмдан нафақа оламан. 3-гуруҳ ногиронлигим учун пенсиямга вояга етмаган болаларим учун қўшимча олишга ҳаққим борми?*

*Ю. ҚЎШМОНОВ,*
*Самарқанд вилояти, Қўшрабод тумани.*

Амалдаги қонунга биноан 3-гуруҳ ногиронларининг вояга етмаган фарзандлари учун ҳеч қандай қўшимча берилмайди. 1993 йил 1 июндан бошлаб болаларга тўланаётган нафақаларнинг миқдори эса 2 баробар оширилган.

---

*Менинг икки нафар ўғлим бор. Улар дудуқланиб гапиради. Ўғилларим 1986, 1987 йилларда туғилган. Шуларнинг тақдири мени жуда қийнайди. Илтимос, қаерда даво топсам, кимга мурожаат қилсам бўлади?*

*Дилором САИДОВА,*
*Бухоро вилояти, Вобкент тумани.*

Болалар нутқини тўғриловчи махсус мутахассислар-логапедларга мурожаат этинг. Тездан фарзандларингизни махсус мактабларга ўтказинг. У ерда нутқ билан алоҳида шуғулланиб, махсус муолижалар ўтказишади ва болаларингиз яхши сўзлашиб кетишади.

Уларни кўпчилик олдида ноқулай аҳволга солиб қўювчи вазиятлардан, ўта ҳаяжонланишдан сақланг.

**Саҳифани котибият тайёрлади.**



## НОҲАЛОЛЛИККА ШАФҚАТ ЙЎҚ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона Бошқармасининг Наманган вилояти бўйича ходимлари ўтган тўрт ой ичида юртимиздан қимматбаҳо нарсаларни четга олиб кетишдай 377 содирликни очиб ташлади. Эгри йўллар билан четга олиб кетаётган 60 миллион сўмлик нодир маҳсулот ва камёб дори-дармонлар мусодара қилинди. Поп туманида «Вилоятагросаноати»нинг бир эмас, тўрт автомашинаси, Наманган автомобил трести 2 автомашинаси тўхтатилиб, тўққиз миллион сўмга тенг 18 тонна пилла ушлаб қолинди. Улар учун расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳам қалбаки бўлиб чиқди. Бундай ходисалар тез-тез такрорланмоқда.**

**Сиз кўриб турган суратда 4-божхона пости бошлиғи Аҳмаджон Умаров қўлга тушган камёб дори-дармонларни кўздан кечирмоқда.**

**Ш. АЛИМОВ (ЎЗА) суратга олган.**

## «ҚУШ УЯСИ» БОР ГАПМИ?

— ШУЛАРГА ҳайронман,— деди дугонам бир куни бир гуруҳ ёшларга ишора қилиб.— Қачон қарама, текканга тегиб, тегмаганга кесак отади. Қандай ота-онанинг фарзандлари экан булар!

Ҳамкасбим жиғи-бийрон бўлиб гапирган гуруҳдагиларнинг бирини аллақачон таниб олгандим. Аҳир у танишим Ҳалимахоннинг ўғли-ку! Аллақачон институтни битирган, ҳатто уйланган бўлиши керак. Ёши ҳам бир ерга етиб қолгандир. Албатта, бу тўғрида оғиз очмадим. Аммо саккиз-ун кун кейин кўчада Ҳалимахонни тасодифан учратиб билмагандек:

— Болалар яхши юришибдими? Каттаси уйлик-жойлик ҳам бўлиб қолгандир,— деб сўрадим.

Ҳалимахон гапдан тўхтади-ю худди толиққандек, «уф» тортди.

— Нимасини айтасиз, каттамиз сал шўхроқ чиқди. Бир эмас, икки бор уйлантирдик. Институтни ҳам ташлаб кетди. Ҳозир қурилишда ишлаяпти.

Суҳбатдошимга секин кўз қиримни ташлайман. Сал олдин очилиб-сочилиб турган аёл кичрайиб қолгандек туюлди.

Мен Ҳалимахонлар оиласини яхши биламан, зотан, уларни билмаган-танимаган шаҳарда кам. Эри катта вазифада. Тагида доимо енгил машина. Боғча-ю мактабга ҳам давлатнинг машинасида қатнашади. Ном чиқарган чеварнинг ҳаммаси Ҳалимахонни танийди. Ҳар йили болаларини чолкампирга ташлаб, курортга кетишади. Мактабда ишлаб юрган кезларимда болаларининг ортиқча шўхлик қилишларини эслатганимда ғаши келган.

— Боланг бўлса, шўх бўлсин... деганлар, ўргилай. Улғайса, эси кириб қолади. Дадалари ҳам болаликда шўх бўлган эканлар,— деб қайтанга менинг ўзимни изза қилмоқчи бўлган. Ўша қилиғи эсимга тушди-ю билса-билару билмаса-билмас қабилида:

— Ўкинманг, ҳали ёш, вақти келиб эси кириб қолар,— дея кўнглини кўтарган бўлдим.

Яқинда бир гуруҳ педагоглар Собир деган боланинг ўғирлик қилиб қўлга тушиб гап-сўз бўлгани тўғрисида суҳбатлашиб қолишди.

— Балки, ўша боланинг уй шароити оғирдир, шунга мажбур бўлмадимикин?— дедим ачиниб.

— Йўқ, ўзига тўқ оиладан,— суҳбатдошларимиздан бири бош силкитди.— Кийиниши, еб-ичиши тенгдошларидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. У «Дўстлик» бозоридаги кўчма дўконларнинг биридан пальто ўғирлаб кетаётганда ушланибди.

— Нега фарзандингиз шу куйга тушди?— сўрашибди ота-онадан.

— Шим сотиб олгин деб 5 минг сўм бергандик. Йўқотиб қўйгач, биздан қўрқиб, пулини тўғрилайман, деб шунақа қинғир ишга қўл урибди.

Жавобнинг мантиқсизлигини ҳар қандай содда одам ҳам дарров англаб олади. Аввало мактаб ўқувчисига нега шунча пул берилади? Қолаверса, битта шим учун вояга етмаган болага 5 минг сўм тутқазиб қўйилмайди. Ҳамма иллат шундаки, савдо соҳасида ишлайдиган аёл буфетчи, эр автолавка ҳайдовчиси ўз фарзандларини пул-бойликка ҳирс қўйиш руҳида тарбиялаб келишган. Қўни-қўшниларнинг гувоҳлик беришларича, оилада ҳар қандай суҳбатнинг бош мавзуси пул экан. Собир қарасаки, пул билан кўнгил ҳоҳлаган ишни қилиш мумкин. Ота-онанинг ҳар куни бераётган бир-икки сўм пули бора-бора кифоя қилмай қолди. Охири мана шундай номаъқулчиликкача бориб етган.

Шу ўринда А. С. Макаренконинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиздир: «Болаларимиз — бизнинг қариган чоғимиздаги таянчимиздир. Уларга тўғри тарбия берсак, демак, кексайганда пиру бадавлат яшаймиз. Ёмон тарбия берсак келгусида ғам-аламлар ичида қолиб кўз ёш тўкамиз. Бу бизнинг бошқалар олдида, умуман, жамият олдидаги кечирилмас айбимиз, беҳад катта хатоимиз бўлади».

Одамнинг ўз ота-онасига қандай муносабатда бўлишига қараб бошқаларга, жамиятга, мамлакатга қандай фойда келтираётганини, унинг қай даражада аҳлоқ эгаси бўлиб етишганлигини, шахс сифатида қанчалик қадр топганлигини бехато айтиб бериш мумкин. Инсондаги ҳис-туйғулар эса, энг аввало оиладаги кундалик муносабатда шаклланади. Хонадон аъзолари ўртасида самимият, ҳалоллик, адолатни қарор топтириш ва унинг ривожланишига эришиш ота-она зиммасидаги бурчдир.

Ҳолбуки, оталик ёки оналик бурчи фақат нон топиб келишдангина иборат эмас. Фарзанд ота-она вужудининг бир парчаси, барча биологик ва ижтимоий кўникмаларининг қонуний давомчиси эканлигини унутиб қўймаслик лозим.

Айримларнинг ўз фарзандларини тарбиялаш бобида камчилик ва хатоларга мактаб жамоасини айбдор деб билишлари кишини ташвишлантиради. Бундайлар ҳатто, андишасизлик билан «ўқитувчилар бола тарбиялаганликлари учун маош олишади, мен ишлайман, болаларга қарашга вақтим йўқ», «ойлигини олганингиздан сўнг тузукроқ ишланг», деб таъна-дашномлар беришдан ҳам тоймайдилар. Аслида икки томон бирлашиб астойдил ҳаракат қилсагина кўзланган натижага эришиш мумкин.

Қолаверса, тағин бир «касалимиз»ни тилга олмай иложимиз йўқ. Кейинги пайтларда «тарбия — мактаб иши» деган нотўғри кайфият вужудга келди. Мактаб билан оила ўртасидаги алоқа қоғоздагина қолиб кетди. Оқибатда таълим-тарбия издан чиқа бошлади. Болалар тарбияси билан фақат ота-она ёки педагог шуғулланиб қолмасдан уни бутун жамоатчилик ўз назоратига олиши керак.

Зоҳидахон **КЕНЖАЕВА**,
Наманган шаҳри.

## ЖУМБОҚНИНГ КАЛИТИ ТОПИЛДИ

*АБДУРУЗЗОҚ Хўрозовнинг калласи калла эмас, тилла экан. Камомадини ёпаман деб инсон зотининг эсига келмайдиган ишни қилди. Камомад ҳам анчагина катта эди-да. Нишон туманидаги 6-давлат хўжалиги марказида жойлашган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли дўкон мудири эди. Олди-кетига қарамай катта-катта сарфлади, еди-ичди. Оқибатда нима қиларини билмай, каловланиб бошини ушлаб қолди. Лекин билганга қийин эмас экан. Боя айтилган тилла калла ишлаб кетди. Қўлларини бир-бирига ишқалаб мамнун тиржайди: «Мана буни иш деса бўлади!»*

*...Ўтган йилнинг 21 декабридан 22 декабрга ўтар кечаси, тахминан соат 2 ларга яқин Абдураззоқ шериги Қўлдош Очилов билан «ишга» киришди. Қўлдош бировнинг «илтимосини» ерда қолдирмайдиган кўнгли бўш йигитлардан. Шунинг учун ҳам Абдураззоқнинг гапига тез кўнақолди. Шундоғам бекор юрувди, зерикиб қолди. Оз эмас, кўп эмас, нақ уч марта қамалиб чиққан бу йигит асли саргузаштларга ишқибозлиги бор.*

*...Хўжалик автогаражи олдида икки шарпа пайдо бўлди. Ҳеч бир ҳадиксирамай қоровулхонага йўл олишди. Қоровул қаршилик кўрсатмади, қўл-оёқларини боғлашларига жимғина йўл қўйиб берди. Уни авайлабгина кўрпага ётқизишди, чопонини ташқаридан лой-чангга белаб келиб, устига ёпиб қўйишди. Хуллас, автогараждан яп-янги, нархи 120 минг сўмлик «Т—28—Х4» маркали тракторни хамирдан қил суғургандек оппа-осон олиб чиқишди. Шоввозларнинг режаси оддийгина эди: тракторни четроқ жойга олиб бориб пуллаш. Қарабсизки, Абдураззоқ камомаддан қутилади, Қўлдош бир нималик бўлиб қолади.*

*Ҳаммасидан қизиғи бу ёқда экан. Трактор йигитларни кўп сарсон қилди. Жарақ-жарақ пул бўлиб йигитларнинг кўнглини хушлашни ҳечам истамади чоғи. «Нишон-Қарши» йўлининг 11-километрида таққа тўхтади-қолди. Қанча уринишмасин моторни ўт олдиришолмади. «Ҳе, янги трактор бўлмай ўл!» «Саргузашт талаблар» умидни узишиб, тракторни йўл четига итариб юбориб, ортга қайтишга мажбур бўлишди.*

*Абдураззоқнинг калласи яна «тез» ишлади. Тонг отмасдан, соат 4 дан ўтар-ўтмас Нишон туман ички ишлар бўлимига кириб борди: «6-давлат хўжалиги автогаражида қоровул бўлиб ишловчи... отам Нурмон Хўрозовни ярим тунда номаълум кишилар уриб, оёқ-қўлини боғлаб кетишибди!» Қидирув бўлими бошлиғи С. Очилов раҳбарлигидаги тезкор гуруҳ шу соатдан иш бошлади. Автогаражга келиб воқеа батафсил ўрганилди. «Отангиз боғланиб ётганини қандай билдингиз, автогаражга ярим тунда нима учун келган эдингиз?» Жиноят қидирувчиларининг саволи Абдураззоқни довдиратиб қўйди. Гаплари ҳам пойинтар-сойинтар чиқа бошлади. Йўқ, жиноят қидирув бўлимининг синчков ходимлари жумбоқнинг калити айнан шу ерда эканлигини сезишди. Тезда унинг аҳволи, камомадлари ҳам аниқланди. У айбини бўйнига олишга мажбур бўлди. «Ҳеч нарса бўлмайди», деб тракторни олиб чиқиб кетишга кўндирган экан. «Афсус, бузилиб қолди,—дейди шериги Қўлдош,—Чироқчининг чегарасига етиб олганимда—ўзим билардим». Ҳаммадан ҳам ота кўпроқ хафа бўлди: «Шарманда қилди, ҳеч бир ишни эплолмайди. Айтувдим-а, тинчгина ўтир, деб. Совуққа қотиб, оёқ-қўлим дармонсизланиб шунча ётганим қолди!».*

*Бу воқеа ана шундай ачинарли тугади. Ҳа, айтмоқчи, ҳали олдинда қонунга биноан жазо олишлар бор.*

**М. КЕНГБОЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**
**У. ҲАЙДАРОВ,**
**Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси ходими.**

Ишонч № 37 1993

# БАРАКА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

***ЧИНДОВУЛ.** Косонсой туманидаги қадимий қишлоқ. 6,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Қоратоғ пойига жойлашган бу гўзал масканга табиат ўз сахийлигини аямаган. Боғлар ва экинзорлар яшнайди. Бу ҳақда маҳалла қўмитасининг раиси, меҳнат фахрийси Дадахон ака Бузруков шундай ҳикоя қилади:*



— ИНСОН ёши улуғлашган сайин ҳаётга янада тийракрок кўз билан қарайдиган бўлиб қоларкан. Ёшим олтмиш тўртга кирди. Болажон одамман. 8 фарзандим, 20 га яқин набирам бор. Умрим давомида турмушнинг баланд-пастини кўп кўрдим, иссиқ-совуқни ҳам. Уруш йиллари ва ундан кейин ҳам қийинчиликларни бошдан ўтказдик. Шунинг учун бозор иқтисодиёти туфайли туғилган айрим қийинчиликлардан нолиб қолишса «ахир, рўзғоринг янгилигида ҳамма нарсанг тўкис бўлганми? Гоҳ ундай, гоҳ бундай-да» дегинг келади. Ўзбекистонимиз ҳам мустақилликка эришди. Қанчадан-қанча ота-боболаримиз орзу қилган кунлар бизга насиб этди. Меҳнатимиз, заҳматимиз роҳатини бугун бўлмаса, эртага кўрамиз. Бу кунлар ўткинчи холос. Астойдилроқ ишласак, бир ёқадан бош чиқарсак, ҳамиша аҳил бўлсак, марра бизники, дея тасалли бераман уларга. Ҳа, ҳамма нарса аҳилликда, қўлни-қўлга бериб, бамаслаҳат иш юритишда. 11 кишидан ташкил топган қўмитамиз аъзоларининг шиори ҳам шундай.

Президентимизнинг «Маҳалла» жамғармаси»ни ташкил этиш ҳамда маҳалла қўмиталари фаолиятини жонлантириш юзасидан чиқарган фармон ва кўрсатмалари зиммамизга катта масъулият юклади. Маҳаллаларимизни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва кам даромад ҳамда кўп болали оилаларга, боқувчисиз кексаларга кўмаклашиш режасини ишлаб чиқдик. Эзгу ният билан «Маҳалла» жамғармаси»га тўпланган маблағнинг бир қисмини «Наврўз» байрами арафасида қишлоқни кўкаламзорлаштириш, кўчалар ва йўлларни, ариқларни тартибга келтиришга сарфланди. Кўпчилик фойдаланадиган жамоат бинолари, маданий-маиший шаҳобчалар барпо этиш юзасидан саҳий кишилардан ижобий жавоблар олдик. Жумладан ўзим ҳам маҳалла масжиди қад кўтаришига ҳисса қўшдим. Ўз ёнимдан 2,5 чақиримли кўчага асфальт ётқизилишини таъминладим.

Қўмитамиз аъзолари бизга ариза ва сўровлар билан мурожаат қиладиганларга ҳозиржавоб бўладилар. Хонадонларни айланиб лозим топилганларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатадилар. Чунончи, Нуриддин Тошхўжаевнинг оиласи ночорлигини билиб «Маҳалла жамғармаси» маблағидан унга маълум миқдорда пул ажратилди. Ҳудди шу сингари Тўхтасин Муродов, Исмоилжон Бозоров, Соҳибаҳон Ҳамидова кабиларнинг хонадонларига ҳам тегишли ёрдам кўрсатилди. Кексаларимиздан Тожихўжа Акбаров ва Ҳожалхон Болтабоевaларнинг уйи жамоатчилик асосида таъмирлаб берилди, моддий жиҳатдан қўллаб-кувватланди.

Элнинг осойишталигига раҳна солаётган, айрим йўлдан адашганларни тартибга чақириш, панд-насиҳат қилиш, охирги чора сифатида ишини маъмурий органларга ошириш каби масалалар билан шуғулланувчи оқсоқоллар кенгаши ҳам тузилган. Шу йилнинг бошида Абдураҳим исмли йигитнинг хотини билан қўйди-чиқди бўлганлиги тўғрисида совуқ хабар эшитдик. Кенгаш вакиллари Абдураҳим хонадонига бориб аҳволни ўргандилар. Ўз ўрнида аёл ота-онаси билан ҳам алоқа ўрнатилди. Хуллас, бир ҳафта ичида арзимас баҳона билан нурашга келиб қолган оила қайта тикланди, 3 норасиданинг тирик етим бўлишлигининг олди олинди.

Яна бир мисол: туппа-тузук хонадоннинг Баҳодир исмли ўғли хусусида ҳар хил «миш-миш»лар оралади. Обдон текшириб кўрганимизда у мактабни битирганидан кейинги икки йил мобайнида бирор жойда ялчитиб ишламаган ва ҳеч қаерда ўқимаётган экан, ичкиликбозликка берилган, тўйларда жанжал чиқаришга одатланган, ҳатто бировларнинг ҳалол меҳнати билан орттирган буюмига кўз олайтиришгача бориб етган экан. Насиҳатлар кор қилмади. Туман ички ишлар бўлими вакили иштирокида суҳбат ўтказилди. Шундан сўнг ишга жойланди, йўл қўйган хатоликларини тушуниб, тавба-тазарру қилди.

Булардан ташқари, қишлоғимиз ҳудудида тўй ва маросимларни тартибли ўтказиш, ортиқча чиқимларнинг олдини олиш сингари масалалар ҳам оқсоқоллар кенгаши эътиборида. Бу эса бугунги мураккаб шароитда одамларимизни ортиқча ташвишлардан холос этмоқда, кераксиз сарф-харажатларнинг пайини қирқмоқда. Шу тариқа аҳоли маҳалла қўмита ёрдами ва таъсирини тобора кўпроқ ҳис этмоқда, уни ўзининг маслаҳатчиси, яқин кўмакдоши, деб билмоқда. Бу эса бизнинг кучимизга — куч, қувватимизга — қувват қўшади.

**«Ишонч» мухбири.**

## ОТАЛИҚ ЁРДАМИДА ҚУРИЛГАН ГУЗАР

● **РЕСПУБЛИКА Президентининг «Маҳалла жамғармаси» ва маҳаллаларда гузарлар ташкил этиш юзасидан Фармони Наманган шаҳрида изчиллик билан бажарилмоқда.** Бу хайрли тадбирнинг амалга ошувига идоралар ва ташкилотлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Жумладан, шаҳар озиқ-овқат савдоси идораси бу борада ташаббускорлик кўрсатди. Мазкур ташкилот кучи билан кейинги йилларда кўча ва маркази анча ҳароблашиб қолган «1 Май» маҳалласи ёшариб, янги жамол касб этди. Оталиқ йўли билан сарфланган 13 миллион сўм маблағ самараси туфайли бу ерда намунали гузар пайдо бўлди.

Салкам бир йил мобайнида маҳалла кўчаларига асфальт ётқизилди, янги йўлакчалар чиқарилди, сув тармоқлари созланди. Миллий меъморчилик анъаналари услубида бунёд этилган гузар комплексидан маҳалла қўмитаси, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган зал, фахрийлар ва хотин-қизлар кенгашлари хоналари жой олган. Соғломлаштириш хонасида даволаш, ташсиҳ қўйиш учун барча шароитлар яратилган. Булардан ташқари этикдўзлик, қассобхона, новвойхона, сартарошхона каби савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари мавжуд. Худди шундай гузарлар «Янгиобод», «Чинор» ва Носирбоев маҳаллаларида ҳам бунёд қилинди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ШЎРАХОНДА ДЕҲҚОН БОЗОРИ

● **ТЎРТКЎЛ тумани меҳнаткашлари Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг икки йиллик байрамини яна бир қулайликларга эга бўлган ҳолда кутиб олишди.** Туманнинг тарихий Шўрахон овулида янги деҳқон бозори қурилиб фойдаланишга топширилди. Эндиликда туман марказидан узоқда жойлашган Оқбошли, Чўбиқли, Шўрахон овуллари аҳолисининг Тўрткўл шаҳридаги бозорга қатновига ҳожат қолмади. Улар зарур харидларини эндиликда янги бозорда амалга оширадилар, ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, маҳаллий ҳунармандлар эса қўлдан чиқарган буюмларини бозорда сотадилар.

Янги деҳқон бозори очилишида Тўрткўл тумани ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Ғ. Н. Ҳожиев иштирок қилди.

### Қишлоққа — ичимлик сув

**БУХОРО тумани ҳудудида жойлашган Хушум қишлоғида 10 хонадон истиқомат қилади. Шунингдек, бир мактаб, болалар боғчаси ҳам бор.**

Мустақиллик шарофати билан хушумликларнинг кўп йиллик орзуси ушалди: икки чақирим масофага қувур ётқизилиб, қишлоққа ичимлик сув олиб келинди. Бу хайрли юмуш ташаббускорлари маҳаллий ишбилармонлардир.

Хушумга қўшни Кўчабоғ қишлоғига ҳам яқинда тоза сув келади.

**«Ишонч» мухбири.**

# АҲИЛ ВА ИНОҚ МАҲАЛЛА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг кўрсатма, йўл-йўриқлари асосила туман ҳокимияти ва ишлаб чиқариш корхоналарининг моддий ва маънавий ёрдамида маҳаллада самарали меҳнат билан Мустақиллик куни олдидан шинам чойхона, ошхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Чойхона ҳовлисида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар учун қўйилган ёдгорлик ва фавворали ҳовузча қайта тикланди. Бу ерда тўй маросимлари ўтказилади. Ночор оилаларга бепул хизмат қилинади. Идиш-товоқлари, курси, хонтахталар эса чойхона ёнида қад кўтарган омборхонада сақланади.

1993 йил 18 мартда Наврўз байрамига бағишлаб илмий-маърифат мажлиси ўтказилди. Унда масжид имоми Абдуллажон Ҳожининг дуойи-фотиҳасига қўшилган жамоа Президентимиз Ислом Каримовга узоқ умр тилаб, у кишига сидқидил миннатдорчилик билдирдилар. 9 май куни эса уруш қатнашчиларини меҳмон қилишиб, уларга қимматли совғалар инъом этилди.

Маҳалла қўмитасининг энг муҳим вазифаларидан яна бири тозалик, озодаликка риоя қилиш, сиҳат-саломатлик учун кураш тадбирларидир. Бунинг учун Ботир Бобоев кўчасидаги хонадонлардан оқиб чиқаётган чиқинди сувларга барҳам бериш мақсадида канализация қуриш зарур эди. Лекин механизациядан фойдаланиб чуқур ковлаш жиҳатдан иложсизлик бор эди. Маҳалла қўмитаси ва туман ҳокимининг маслаҳати, шу кўчада истиқомат қилувчи Тўлаган Исҳоқов, Мирсултон Мираҳмедовларнинг ташаббуси билан бу ишлар ҳам юришиб кетди. Натижада яқин кунлар ичида канализация ҳам ишга тушадиган бўлди.

Кейинги йилларда кўча ва ҳовлиларда кўплаб мевали дарахтлар ўтқазишга ҳам катта аҳамият берилди. Ариқлар тозаланиб, сувларнинг бемалол оқишига имкон яратилди. Аммо «Қизил Ўзбекистон» ва «Ўрикзор» кўчаларида ҳамон ариқ сувини оқишига эътибор йўқ.

Маҳалладагиларнинг «Чилонзор» ва «Яккасарой» қабристони хилхоналари ҳашар йўли билан ўз вақтида тозаланиб, тартибга келтирилганлиги ҳам қувончли ҳол ва савобли иш бўлди. Маҳалла ҳудудида бир мактаб, 3 боғча жойлашган. Маҳалла қўмитаси раиси Абдувоҳид Хожи ота, қўмита котиби Обид ака Сайидазимовлар мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари билан тез-тез учрашиб турадилар. Ота-оналар мажлиси ўтказиб, болаларга таълим-тарбия ишлари бўйича йўл-йўриқлар бериб турилади.

Маҳаллада 670 хонадон бор. 1100 оила, 3500 аҳоли яшайди. 1993 йил биринчи июндан бошлаб Яккасарой тумани ҳокимиятининг қарорига мувофиқ маҳалла чегарасига жойлашган 2, 4, 9 қаватли бинолардан 40 уй тўрт минг аҳолиси билан маҳаллага қўшиб берилди. Натижада «Ўрикзор» маҳалласининг аҳолиси ҳозир 7500 жонга етди. Ўзбек, рус, украин, белорус, қозоқ, қирғиз, грузин, арман, озарбайжон, башқир, карейц, уйғур, яҳудий ва бошқа миллатлардан ташкил топган мазкур маҳалла аҳли тинч, тотув, аҳилликда яшайдилар. Маҳалла фаоллари ҳукуматимиз томонидан берилаётган моддий ёрдамни ўз вақтида аҳолига етказиб турадилар. Биргина 1992 йилнинг ўзида 125 кишига озиқ-овқат (ун, ёғ, макарон, чой), кўп болалиларга 2500 сўмдан пул тарқатдилар. Ёш болалардан 13 тасига кийим-кечак тиктириб берилди.

**Раҳматилла ҒУЛОМ ХОЖИ** ўғли.




(ИНТЕРМЕДИЯ)

Қатнашувчилар:
СОҲИБА ХОЛА — Она.
БАҲОДИР — Ўғил.
РАЪНО — Келин.
ДИЛБАР — Раънонинг дугонаси.
ЧОЛ—ЗОҲИДЖОН ОТА—Маҳалла қўмитасининг раиси.

ОНА:— Ҳай, Баҳодир ўғлим, бу келинпошшага тайинлаб қўйгин, келин бўлиб тушганига эндигина бир ҳафта ўтмасдан, остона ҳатлаб кўча айлангани чиқди-я. Иккита дугонаси келди-да, бирга олиб чиқиб кетди. Ахир янги келин бўлса.

БАҲОДИР:— Ҳадеб уйда ўтиравериб сиқилгандир-да, бир кўнгил ёзиб келай деган-да.

ОНА:— Ана холос. Худди ўзим ўйлагандек бўлиб чиқди-я.

БАҲОДИР:— Нимаси сиз ўйлагандек бўлиб чиқди?

ОНА:— Ўғилгинамни ўзига ром қилиб олдиёв, деб кўнглимдан ўтказгандим. Худди ўшандай бўлди-я. Мана исбот, бир гапимгаёқ тарафини оляпсан.

БАҲОДИР:— Хўп, унинг тарафини олмаслигим учун нима қилишим керак?

ОНА:— Агар мени десанг, ҳозирданоқ хотинингни қўлга ол! Гаҳ десанг қўлингга қўнсин. Тағин сен унинг қўлига қўниб ўтирмагин. Эркаксан ахир. Ҳалитдан бошингга чиқиб олмасин. Ҳа, чизган чизиғингдан чиқмайдиган қилгин. Бирор ёққа кетаётганингда олдига мундоқ чизиқ тортиб кет. Ундан ҳатлаб ўтишга ҳайиқсин.

БАҲОДИР:— (кулиб) Шунақами, ойижон?

ОНА:— Худди шунақа қил! Кулма, кулма лекин. Хотининг сиқилса уйда телевизор бор, магнитофон қўйсин, кўчада нима бор?

БАҲОДИР:— Майли, майли, ойижон. Мен ишга шошаяпман. Ҳозир айтганингиздай қилиб кетаман.

— Раъно! Ҳў, Раъно!

РАЪНО:— Лаббай, Баҳодир ака!

БАҲОДИР:— Бу ёққа чиқинг, мана бу ҳовлига келинг.

(Чизиқ чизади)

— Раънохон, мана шу чизиқдан нарёққа ўтиларкан, кейин мендан хафа бўлманг. (Кўз қисади. Баҳодир чиқиб кетади, Раъно уйга кириб кетади).

ОНА:— (ўзига-ўзи) Ўғлимга гапим кор қилди-я, дарров чизиқ чизиб, изига солди қўйди. (Уйда қўшиқ янграйди). Ана, келинпошша магнитафон эшитишга тушди. (Эшик қўнғироғи чалинади).

— Ҳой, ким, кираверинг.

ЧОЛ:— Ассалому алайкум, яхшимисизлар?

ОНА:— Вой келинг, келинг, Зоҳиджон бува. Ассалому алайкум, яхши юрибсизми?

ЧОЛ:— Ўзинглар яхши ўтирибсизларми? Бу маҳалланинг гилам — поёндозларини, дастурхон, чойнак-пиёласи-ю, лаган — косаларини чиқариб бермадинглар-ку. Мана, эртага Саидкаримникида тўй. Маҳалла активлари сизнинг ҳовлингизни безаб, тўйингизни ўтказиш тараддудини кўраётганда, келинни эсон-омон олиб келиб олай, биздан қанча хизмат керак бўлса қочмас, дегандингиз. Мана келинни ҳам олиб келиб олдингиз. Хизмат у ёқда турсин, маҳалла буюмларини жойига элтиб бермаяпсизлар.

ОНА:— Хотирингиз жам бўлсин, Зоҳиджон бува, сўзимиз — сўз. Қани, аввал уйга марҳамат, хизмат бўлса қочмас. Ҳалиги маҳалла буюмларини тозалаб, тахлаб териб қўйганмиз. Ҳозироқ жойига етказамиз.

ЧОЛ:— Шундай бўлсин, ҳа.

ОНА:— Ҳой, Раънохон, келинпошша, буёққа чиқинг. Гапни эшитгандирсиз. Маҳалланинг нарсаларини Тўфахон холаникига чиқариб берайлик, тез бўла қолинг.

РАЪНО:— Мен кўчага чиқолмайман.

ОНА:— Ҳа, нега, бетобмисиз?

РАЪНО:— Йўқ, ҳу анави ҳовли ўртасидаги чизиқни кўраяпсизми?

ОНА:— Қайси, манавиними?

РАЪНО:— Ҳа, ўша чизиқни ўғлингиз чизиб кетдилар-ку. Шундан ҳатлаб нари ўтсанг ойимнинг юзига оёқ босган бўласан. Менинг гапим қонун дедилар. Мен қонунни бузолмайман.

ОНА:— Ҳа, бекорларни айтибди. Қани юраверинг. Чизиқдан бемалол ўтаверинг, ҳеч нарса қилмайди.

РАЪНО:— Йўқ-йўқ, ойижон, мен қонунга хилоф иш тутмайман. Ўша чизиқдан буёқда ҳар қандай иш бўлса буюраверинг, бажараман. Ўзлари келгунларича нариги томонга ўтолмайман.

ЧОЛ:— Ия, Соҳибахон, келинпошшани ҳалитдан чизиқ ичига қамаяпсизларми? Бу маҳалла активлари қулоғига етса нима деган гап бўлади?

ОНА:— Ҳеч нарса бўлмайди. Бу бир шунчаки гап-да, мана менинг ўзим буюмларни ташиб бераман. Ҳечқиси йўқ. Келинпошша, сиз шу чизиқ олдигача келтириб бераверинг, бўлмаса, буёғига қўни-қўшниларни чақириб элтиб бераман.

ЧОЛ:— Янги келинга ҳалитдан зуғум қилишга ўтманг. (Кетади).

ОНА:— Э, йўлингиздан қолманг, бу ўзаро гап. Эҳ, бу гилами қурмагур зил-замбил экан-ку, вой белим-ей, қийналсам ҳам майлига. Келинпошшанинг ўғлимнинг шартига риоя қилгани яхши.

РАЪНО:— Мана, ойижон, ҳаммасини чизиқнинг ёнига келтириб қўйдим, энди у ёғига ўтолмайман.

ОНА:— (сир бой бермай) Майли, майли, шунга ҳам раҳмат. Уф-ф, вой оёқларим-ей.

(эшик қўнғироғи жиринглайди)

ОНА:— Ҳай, ким, кираверинг.

ДИЛБАР — (киради) Ассалому алайкум, хола, яхшимисиз, Раънохон уйдамилар?

ОНА:— Ҳа, келинг, яхшимисиз? Келинпошша уйдалар, уйда бўлмай қаёққа ҳам борардилар. Ё яна бошлаб олиб чиқиб кетасизларми?

ДИЛБАР:— Ҳа, йўқ, Раънохонга ишхонамиздан бир зарур ишни айтгани келувдим.

ОНА:— Ҳа, шунақами, Раънохон, ҳой Раънохон!

РАЪНО:— (Ичкаридан) Лаббай, ойижон!

ОНА:— Бу ёққа чиқинг. Кечаги дугоналарингиздан биттаси келибдилар.

РАЪНО:— (чиқади) Ҳа, лаббай. Дилбар, яхшимисан?

ДИЛБАР:— Ҳа, ўзингиз яхши ётиб турдингизми? (Раъно томонга юрмоқчи бўлади)

РАЪНО:— Келма, келма, ўша ерда туриб гапиравер.

ДИЛБАР:— Ўзингиз берироққа келинг бўлмаса.

РАЪНО:— Йўқ, боролмайман. Анави тортилган чизиқни кўраяпсанми, ўшани ҳатлаб ўтолмайман. Сен ҳам ўша чизиқдан буёққа ўтмасдан гапиравер.

ДИЛБАР:— Нега энди бу чизиқ бизларнинг дугоначилигимизга тўсиқ бўларкан?

РАЪНО:— Бўлади, шунақа. Хўш, менда нима ишинг бор?

ДИЛБАР:— Таътил ва мукофот пулларингизни олмай кетган экансиз. Шуни бориб кассадан оларкансиз. Кассир қаттиқ тайинлаб юборди. Иложи бўлса, шу бугундан қолдирмай бориб оларкансиз.

РАЪНО:— Бориб олишга арзирканми?

ДИЛБАР:— Нега арзимас экан? 100 минг сўмча бор. Таътилдан кейин янги оилада бирор коримизга ярар, деб олмай кетган экансиз-да.

РАЪНО:— Ҳа, шунақа дегандим. Лекин энди бориб ололмайман.

ОНА:— Ҳай, келинпошша, Раънохон. Нега тайёр пулни бориб ололмас экансиз, дарров кийиниб бора қолинг. Қани қизим, уйга киринг, чой-пой ичинг. Раънохон кийиниб, сиз билан бирга борадилар.

РАЪНО:— Буёққа ўтма, чойни шу ерга олиб келиб бераман.

ОНА:— Ҳай, Раънохон, нега унақа қиласиз? Ахир бу уй менинг уйим. Баҳодир тортган чизиқ-пизиқни билмайман. Қани қизим, буёққа ўтинг.

РАЪНО:— Ўша ерда туратур. Мен ҳозир чиқаман.

ОНА:— Ё тавба, ҳозирги ёшларга ҳайронсан. Жа, принцип ушлайди-да.

ДИЛБАР:— Тўғри қиладилар. Раънохон ишхонада ҳам принцип билан иш тутадилар.

ОНА:— Ким бўлиб ишлайди? Маоши қанча?

ДИЛБАР: — Келинингиз катта одамлар. Смена бошлиғи, 50 минг сўм маош оладилар.

ОНА:— Ҳм-м, шунақа денг. Шундай катта ишдаги одамни ўғлим чизган чизиғидан чиқармай ўтирса-я.

РАЪНО:— (чиқади) Ма, «Тошкент суви»дан ичиб, чанқоғингни бос. Мана бу аризани директорга топшириб қўй. Мени ишдан бўшатсинлар.

ДИЛБАР:— Ҳа, нега ишдан бўшаркансиз?

ОНА:— Ҳой, Раънохон, эсингизни едингизми, келинпошша? Нега шундай катта ишдан бўшайсиз?

РАЪНО:— Чизиқдан ҳатлаб ўтиб бўлмагандан сўнг иложим қанча?

ОНА:— Менга беринг ўша қоғозни. (Йиртиб ташлайди). Ҳа, ўша чизиқни чиқаргандан ҳам ўргилдим. Ҳамма ёққа тўсиқ бўлиб-а? Ҳай, қизим, қани уйга ўтинг.

РАЪНО:— Ойи, ахир ўғлингизнинг гапи қонун. Баҳодир акам чизган чизиқдан чиқиш — бу қонунни бузиш-ку, ахир! Қонунни бузганларни жазолайдилар.

ОНА:— Бекор гап. Ҳозир хотинларнинг гапи ҳам гап. Уларнинг чизган чизиғи ҳам чизиқ. Ҳамма тенг ҳозир. Қани қизим, уйга киринг. Шу тортган чизиғи ҳам қурсин.

РАЪНО:— Лекин чизиқни босмасдан ўт.

ОНА:— Босаверинг, тепаверинг. Шу тортилган чизиқ ҳам қурсин.

Буни чиқарган замонга ҳам аллақачон ўт тушиб кетди-ку, ахир, қаёқдан ҳам Баҳодирга чизиқ торт дедим-а? Мана Раънохон, мана чизиқни ўчириш. (Тепкилайди). Қани дастурхон тузанг.

**Тожибой АЛИМОВ.**

## БОШҚОТИРМА

ЭНИГА: 7. Алишер Навоий ғазали билан ижро этиладиган машҳур мумтоз қўшиқ. 8. Фойда, наф сўзларининг маънодоши. 10. Мамлакатимиздаги қадимий шаҳар. 11. Ўзбек халқ мақоми. 12. Торли мусиқа асбоби. 13. Бирор бинога уланиб ёки алоҳида қурилган баланд иншоот. 15. Ҳақиқат, одиллик. 17. Устоз хонанда ва бастакор, созанда, Ўзбекистон халқ артисти. 20. Шеърий асар тури. 22. Энг биринчи дарслик. 23. Меҳнат қуроли. 24. Ҳафта куни. 26. Қадимий қишлоқ хўжалиги асбоби. 27. Ўрта денгиздаги энг катта орол. 28. Ўзбек от ўйини томошаси устаси, Ўзбекистон халқ артисти.



БЎЙИГА: 1. Ўзбек маърифатпарвар шоири. 2. Баҳор гули. 3. Нон тури. 4. Муваффақият, зафар. 5. Мўғулистон ва Хитойдаги бепоён саҳро. 6. Машҳур ҳинд фильмларидан бири. 9. Узун думли митти қуш. 14. Овозни узоқ масофага электромагнит тўлқинлар орқали тарқатиш воситаси. 16. Фикрни исботловчи гувоҳ. 18. Шоир, тожик адабиёти намоёндаларидан бири. 19. Атоқли ўзбек кинорежиссери. 21. Кимёвий модда, ишқорий металл. 22. Хакас мухтор вилояти маркази. 25. Тепалик ер, қир. 26. Сувнинг маълум томонга йўналиши.

Тузувчи: **Фозилжан ОРИПОВ.**

**Газетамизнинг 4 сентябрь сонида эълон қилинган «Ўзбекистон» топқирлик машқининг жавоби.**

1. Китоб. 2. «Баҳор». 3. Рубоб. 4. Бешкент. 5. Термиз. 6. Зеби. 7. Искандар. 8 «Рост». 9. Тунис. 10. Сурхон. 11. Норин. 12. «Нахшон». 13. Наманган. 14. Нақш. 15. Шаҳрисабз. 16. Заргар. 17. Работ. 18. Турон. 19. Нурота. 20. Анор. 21. Риштон. 22. Нуробод. 23. Дорбоз. 24. Зарафшон. 25. Наврўз, 26. Зоғора. 27. «Адолат». 28. Тожиқ.

## БИРИНЧИ ПАТЕНТ

Биринчи тикув машинасини ихтиро қилган кишига патент Англияда 1755 йили берилган бўлсада, лекин бу машина аҳоли ўртасида тарқалмади. XIX аср бошларида бир қанча мамлакатларда тикувчилар ишини енгиллаштирадиган машина ясашга ҳаракат қилинди. Чунончи, 1808 йили англиялик Жеймс Пери машина ихтиро қилди. Лекин мазкур тикув машинаси чоки бир баҳяли, мокиси йўқ эди.

Мокили биринчи тикув машинасини америкалик Элиас Хоу 1845 йилда ихтиро қилди. Ҳозирги кунга қадар тикув машиналари ана шу ихтиро асосида ишлайди.

Техника жиҳатидан мукаммал, ҳам ташқи кўриниши чиройли ҳозирги тикув машиналари XX аср бошларида пайдо бўлган.

**А. АЛИЕВ тайёрлаган.**

